

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСЛАМОВА КАМОЛА АКРАМОВНА

**ЭРТА РИВОЖЛАНГАН ОСТЕОАРТРОЗНИ КЛИНИК, ДИАГНОСТИК,
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Исламова Камола Акрамовна

Эрта ривожланган остеоартрозни клиник, диагностик, даволаш ва профилактик хусусиятлари 5

Исламова Камола Акрамовна

Особенности клиники, диагностики, лечения и профилактики раннего остеоартроза 25

Islamova Kamola Akramovna

Features of the clinic, diagnosis, treatment and prevention of early Osteoarthritis..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСЛАМОВА КАМОЛА АКРАМОВНА

**ЭРТА РИВОЖЛАНГАН ОСТЕОАРТРОЗНИ КЛИНИК, ДИАГНОСТИК,
ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.1.PhD/Tib466 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тоиров Эркин Санатович

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Холмурад Садуллаевич

тиббиёт фанлари доктори

Бобоев Қодиржон Тухтабоевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) - 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 – уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Шамсиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З.Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Ж.О.Атакулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Остеоартроз (ОА) бўғимларнинг дегенератив-дистрофик касаллиги бўлиб, бўғим тоғайини деструктив зарарлантиради. Ишга лаёқатли аҳоли ўртасида ногиронликнинг олдини олиш мақсадида ревматологик амалиётда остеоартроз касаллигининг эрта ривожланишига олиб келувчи сабабларни, хавф омилларини билиш, касалликнинг дастлабки клиник белгиларини аниқлаш ва ривожланиб боришини олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан тавсия этилган диагностик мезонларига ўтиш, ОА касаллигини асоратларини олдини олишга, “... кечки босқичларда ОА муаммоси фақат эндопротезлаш амалиёти ёки паллиатив даво учун аҳамиятли бўлиб қолишига олиб келади...”¹. Ҳозирги вақтда аксарият ҳолларда 50 — 60 ёшдан ошган инсонларда бўғим тоғайларида дегенератив жараёнлар кузатилади. Бу касаллик билан ер юзида 10 - 15 % аҳоли касалланган. Кўп ҳолларда 30 - 40 ёшда унинг белгилари аниқланади. 50 ёшга етган аҳолида унинг частотаси 27-30% атрофида бўлади. 60 ёш ва ундан катта аҳолида бу кўрсаткич ўсиб, 97% ни ташкил этади. ОА касаллигини ташхислашда хавф омиллари, коморбид метаболик ҳолатлар, варикоз ва реактив синовитнинг кузатилишини инобатга олиш, суякнинг минерал зичлигини, генетик ва УТГ ўзгаришларини, профилактика ва даволашда мақбул ёндошувларни ўз вақтида тайинлаш, эрта ва оғир ногиронликларни олдини олиш борасидаги вазифаларни ечиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда остеоартроз касаллиги билан оғирган беморларда касалликни эрта босқичда ташхислаш мезонларида хавф омилларининг аҳамиятини аниқлаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш, коморбид ҳолатларини касаллик оғирлик даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. ОА нинг клиник кечишини башоратлаш, шунингдек, оғирлик даражасига таъсир қилувчи хавф омиллар, коморбид ҳолатлари, биокимёвий хусусиятлари ва уларнинг клиник кўринишлар билан боғлиқлигини асослашдан иборат. Молекуляр генетик тадқиқотларда яллиғланишга қарши цитокин генлари ва проангиоген цитокин генлари полиморф вариантларининг аллел ва генотипларини тақсимланишни баҳолаш, шу билан бир қаторда, эрта ОА касаллигида дегенерация жараёнларини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, касаллик этиопатогенезининг янги жиҳатлари ва таққослама - ташхислаш белгиларини очиб бериш, ҳамда патогенетик йўналтирилган даволаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, жумладан, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига

¹ Paula A. Hernandez, Joel Wells, Emiliya Usheva, Paul A. Nakonezny, Zahra Barati. Et al. Early – Onset Osteoarthritis originates at the chondrocyte level in Hip Dysplasia. Sci Rep. 2020; 10: 627//doi: 10/1038/s41598-020-57431-x.

мослаштириш, бўғим касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда дегенератив касалликларда бўғимдаги тоғайнинг ўзгаришларини эрта ташхислаш, самарали даволаш тартибини такомиллаштириш ҳамда ногиронликка олиб келувчи сабабларини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий жаҳон адабиётида остеоартроз - бўғимларнинг сурункали прогрессияланувчи дегенератив-дистрофик касаллиги бўлиб, бўғим тоғайининг деструкцияси, суяклар эпифизлари ва бўғим атрофидаги юмшоқ тўқималарнинг зарарланиши билан кечади (Насонов Е.Л., 2017; Мустафин Р.Н., Хуснутдинова Э.К., 2015; Кабалык М.А., 2016). ОА касаллиги асосан катта ва кекса ёшда бошланади ва унинг тарқалиш кўрсаткичи барча ревматик касалликлар ичида 65-70% атрофидалиги аниқланган (Резолюция VI Экспертного совета по остеоартриту, 2019). Бу касаллик билан 8-20% аҳоли касалланган, 50 ёшгача бўлган аҳоли орасида касалланиш кўрсаткичи - 3-5%. Аҳолининг ёши ўсган сари касалликнинг тарқалиш кўрсаткичи ҳам ошиб боради (Ногаева М.Г., 2015; Алексеева Л.И., Таскина Е.А., Кашеварова Н.Г., 2019; Ernest R. Vina and C. Kent Kwoh, 2018).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

ОА кўп сабабли касаллик бўлиб, унинг ривожланишида ирсий (генетик), ёшга ва жинсга боғлиқ омиллар, тана массасининг ошиши, бўғимларнинг яллиғланиш касалликлари, касбга оид зарарли таъсиротлар ва салбий меҳнат шароити муҳим аҳамият касб этади (Портянникова О.О., Цвингер С.М. ва б., 2019; Алексеева Л.И., Таскина Е.А., Кашеварова Н.Г. 2019). Тана вазнининг ошиши ОА касаллигининг асосий сабабларидан бўлиб, бўғимларга механик таъсир этади, шунинг натижасида тизза бўғимлари кўпроқ зарарланади. Оғир жисмоний меҳнат, касбий омиллар натижасида бўғимларнинг тез-тез жароҳатланиб туриши, оғир спорт турларини касб этиш, танани бир хил ҳолатда узоқ вақт тутиб туриш ва тез-тез қайталанувчи бир хил типдаги ҳаракатлар ҳам касалликни келтириб чиқарувчи сабаблардандир. ОА ривожланиши учун маълум бўлган бошқариб бўлмайдиган хавф омиллари мавжуд, булар беморнинг ёшени 60 ёшдан катталиги, аёл жинси, ортикча генетик мойиллик хос. ОА касаллигининг кўп учрашини ҳисобга олган ҳолда, касалликнинг ривожланишида профилактик ва етарли даражада терапевтик чоралар кўриш учун эрта ОА ривожланиши мумкин бўлган қатламда хавф омилларини ўрганиш алоҳида қизиқиш уйғотади (Никитинская О.А., Торопцова Н.В., Насонов Е.Л. 2018; Кашеварова Н.Г. 2019).

Ўзбекистон шароитида 60 ёшдан катта беморларда ОА касаллигининг хавф омиллари, семизлик билан биргаликда кечган тизза ва чаноқ сон бўғими ОА кузатилган беморларда клиник белгилари ўрганилган. Лекин, ОА касаллигининг хавф омилларидан наслий мойиллар, озиқ-овқат стеріотипларининг бузилишлари, коморбид ҳолатларидаги инструментал ва молекуляр - генетик тадқиқотлардан фойдаланиш бўйича маълумотлар етарли эмас (Мирахмедова Х.Т., Дадабаева Н.А., Рамазонова Н.А. 2019; Рустамова У.М. 2017; Каримов Х.Я., Бобоев Н.М. 2019). ОАда патологик ўзгаришлар орасида бўғим тоғайининг деградацияси, субхондриал суякнинг қалинлашиши, остеофит шаклланиши, синовиал парданинг яллиғланиши, бойлам, мениск ва бўғим капсуласини зарарланиши натижасида сурункали оғрик, карахтлик, деформация ва жисмоний функциянинг чекланиши характерли. Бўғимдаги патологик ўзгаришларни аниқлаш учун бир қатор инструментал усуллардан фойдаланиш асосланган ва стандартга киритилган (Бобоев Н.М. 2019; Рустамова У.М. 2017; Кашеварова Н.Г., Таскина Е.А. 2019; Wang Y., Teichtahl A.J. 2016).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда ОА касаллигини нафақат 50 ёшдан катталар, балки, 50 ёшгача бўлган иш қобилияти юқори бўлган аҳоли орасида кўпайиши, иш қобилияти пасайиши, ногиронлик кўрсаткичининг ошишига, беморларнинг ҳаёт сифатининг пасайишига олиб келиши, ревматологиянинг энг долзарб ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. ОА нинг клиник-биокимёвий ва молекуляр-генетик хусусиятларини баҳолашни такомиллаштириш ва даволашнинг самарали усулини танлашда коморбид ҳолатларини инобатга олиш келажакда ушбу соҳада юзага келадиган муаммоларни бартараф қилади. Замонавий даволаш усулларидан фойдаланишга қарамай, ишга

лаёқатли аҳоли орасида ОАнинг паллиатив даволаш, исталмаган асоратлар ва ногиронлик частотаси жуда юқори бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000260 сонли "Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш" мавзусидаги № ПЗ-201906124 "Иммун тизимига боғлиқ касалликларнинг базис давосини персоналлаштириш учун фармакологик жавоб ўзгарувчанлиги билан асоцирланган янги биомаркерларни ишлаб чиқиш" амалий - илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади эрта ёшда ривожланган остеоартрознинг клиник-биохимиявий ва молекуляр генетик хусусиятлари асосида касаллик ривожланиши ва клиник кечишини башоратлаш усуларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўп факторли таҳлил асосида эрта ёшда ривожланган ОА касаллигининг хавф омилларини, коморбид ҳолатларини ва уларнинг хавф гуруҳини, VAS индекс, Лекен алгофункционал индекс, WOMAC (Western Ontario and McMaster Universities osteoarthritis Index) индекс, эксперт мезонлари, юриш тезлигини аниқлаш, DN4 сўровномасига кўра эрта ривожланган ОА касаллигида бўғимлар ҳаракат фаолиятини ва беморлар умумий аҳволини баҳолаш;

эрта ёшда ривожланган ОА касаллигининг лаборатор, рентгенологик, УТТ ва МРТ белгиларини касалликнинг клиник белгилари билан боғлиқлик даражасини таҳлил этиш;

эрта ОА билан хасталанган беморларда яллиғланишга қарши цитокин TGFβ1 (915G>C, Arg25Pro) (rs1800471) ва қон томирлар эндотелий ўсиш фактори VEGFA (G634C) (rs 2010963) генлари полиморф вариантларининг аллел ва генотипларини тақсимланишни баҳолаш ҳамда касаллик кечишининг оғирлик даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш;

касалликни даволаш бўйича EULAR, 2019 томонидан ишлаб чиқилган тавсияларга асосланган ҳолда коморбид ҳолатларни самарали даво усуларини ва профилактик чора - тадбирларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2019 йилларда Самарқанд давлат тиббиёт институти 1 - клиникаси маслаҳат поликлиникаси ва ревматология бўлимида остеоартроз ташҳиси билан даволанган жами 220 нафар шундан, биринчи гуруҳ 50 ёшгача бўлган 104 нафар беморлар, иккинчи гуруҳи 50 ёшдан катта 116 нафар беморлар ва назорат гуруҳ 97 нафар нисбатан соғлом кишилар олинган.

Тадқиқотнинг предметини периферик қон ва зардобида биокимёвий, иммунологик ва молекуляр - генетик жараёнлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, анкета сўровнома-ирсий пробандлар, озиқ-овқат стереотипларининг бузилишлари ва биринчи марта ОА аниқланган беморларда самарали даволашни дастурий тадқиқот материаллари, бўғимларнинг функционал ҳолатини аниқлашда сўровнома кўрсаткичлари, рентген, УТТ, МРТ, биокимёвий, иммунологик, молекуляр - генетик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОА касаллигини бошқа бўғим касалликларидан фарқлаш ва бўғимнинг функционал ҳолатини тўғри баҳолаган ҳолда максимал даво усулларини белгилашда WOMAC, ВАШ, Лекен алгофункционал индекси, эксперт мезонлари, DN4 сўровномаси ва юриш тезлигини аниқлашни бир вақтда қўллаш эрта диагностик аҳамияти асосланган;

дистрофия жараёни сабабли бўғимдаги дефектлар, яллиғланиш зонаси, суюқлик ҳажми, менискларнинг ҳолати, бўғимда қон айланиши ва иннервациясининг бузилишларининг кальций - фосфор алмашинувининг периферик кўрсаткичлари ва дегенератив жараён ривожланиши билан боғлиқлигини ультратовуш ва магнит резонанс томография ёрдамида асосланган;

илк бор ОА кузатилган беморларда ўсиш омилини трансформацияловчи TGFβ1 ген полиморфизмининг Pro/Pro мутант генотиби тоғайнинг дегенерация - дистрофия жараёнини кучайтириши ҳисобига касалликнинг қисқа давомийлигида остеофитларнинг пайдо бўлишига олиб келиши исботланган;

қон томирлари эндотелийси ўсиш омили VEGFA ген полиморфизмининг С аллел ва С/С мутант генотиби яллиғланишни кучайтириши ҳисобига ОА нинг метаболик ва қон томир касалликлари билан беморларда юқори ассоциацияси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

остеоартроз касаллигида энг кўп сабаб бўлувчи омиллар кўрсатилган, ташҳислашда анкета - сўровномалари ва визуализация усулларининг аҳамияти ҳамда уларнинг самарадорлиги баҳоланган;

анъанавий текширув усуллари билан бир қаторда патогенетик кўрсаткичларини олдиндан аниқлаш учун яллиғланишга қарши цитокин TGFβ1 (915G>C, Arg25Pro) (rs1800471) ва қон томирлар эндотелий ўсиш фактори (проангиоген цитокин) VEGFA (G634C) (rs 2010963) генлари полиморф вариантларини молекуляр – генетик таҳлилинини ўтказиш тавсия этилган;

эрта остеоартрознинг ривожланиш хавфи, кечишини башорат қилиш мезонлари такомиллаштирилган, бу эса бирламчи звеноларда эрта ташҳислаш имконини берадиган дастур, самарали даво комбинацияларини қўллаш ҳамда соғлом турмуш тарзига тарғиб қилувчи алгоритм ишлаб чиқилган;

ишга лаёқатли аҳоли орасида эрта ривожланган ОАни ташҳислаш, даволаш тактикаси ва реабилитациясини такомиллаштириш бўйича амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг ўзаро бир-бирини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, молекуляр – генетик, инструментал усуллар асосида ОАнинг клиник – биокимёвий ва молекуляр – генетик хусусиятлари статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эрта ОА ривожланишида хавф омилларининг роли, уларни аниқлаш бўйича тадқиқотлар, генетика ва диетология соҳаларида касалланиш хавфи бўлган фундаментал ва амалий тадқиқотлар учун илмий асос бўлиши, беморларда яллиғланишга қарши цитокин TGF β 1 (915G>C, Arg25Pro) (rs1800471) ва қон - томирлар эндотелий ўсиш фактори (проангиоген цитокин) VEGFA (G634C) (rs 2010963) генлари аллел ва генотипик вариантларини тақсимланиш таҳлили, нохуш генотипларини учраш даражасини касаллик кечиш босқичларига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти анкета сўровномалари асосида касалликнинг хавф омиллари, касалликнинг оғирлик даражасини ўз вақтида аниқлашга ёрдам бериши, инструментал УТТ усули ёрдамида эрта ташҳислаш, шу билан бирга, ОА ривожланиш ва оғир кечиш хавфини тахмин қилиш учун дастурлаштирилган дастур, инструментал ва молекуляр-генетик технологиялардан фойдаланган ҳолда, касалликни даволашда самарали усулларни танлаш бирламчи соғлиқни сақлаш тизимида вақтида ногиронликнинг олдини олишда, даволашни танлаш учун зарур бўлган дори воситаларини анъанавий давога қўшиш тавсия этилганлиги беморларда ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўп омилли касаллик ҳисобланган ОА ни эрта ташҳислаш ва даволашни такомиллаштиришни баҳолаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

касалликнинг хавф омилларини, варикоз ва семизлик каби коморбид ҳолатларини вақтида аниқлаш, касалликни бошқа бўғим касалликларидан фарқлаш ҳамда бўғимнинг функционал ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида “Эрта ривожланган остеоартроз кузатилган беморларда хавф омилларини аниқлаш алгоритми” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-р/515–сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ОАда хавф омилларини ва юқори наслий мойилликни ўз вақтида

аниқлаш асосида касалликни эрта ташхислаш ва асоратларининг олдини олиш имконини берган;

максимал даво усулини белгилашда ўсиш омилини трансформацияловчи TGFβ1 ген ва қон - томир эндотелий ўтказувчанлигини оширадиган VEGFA генларни ўрганиш заминида олинган илмий натижалар асосида “Эрта ривожланган остеоартроз кузатилган беморларни самарали даволашни дастурлаштирилган тарзда аниқлаш алгоритми” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 январдаги 8н-р/516–сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши ОА касалида бирламчи соғлиқни сақлаш тизимида самарали даво чораларини қўллаш натижасида даволаш муддатини қисқартириш, ногиронликнинг олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

эрта ривожланган ОАнинг хавф омилларини ва коморбид ҳолатларни аниқлаш, бўғимнинг функционал ҳолатини тўғри баҳолаган ҳолда комплекс даволашда дастурлаштирилган тизимнинг самарадорлигини оптималлаштириш бўйича илмий натижалар, соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Сурхандарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси ва Хоразм вилояти ТТА Урганч филиали клиникасининг клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 мартдаги 8н-з/44-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг тиббий амалиётга татбиқ этилиши ОА касаллигида ташхислаш сифатини яхшилаш, даволаш жараёнида ихтисослашган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатишни сезиларли даражада кенгайтирилиши касаллик асоратлари ва ногиронлик даражасини 2,3 ва 1,7 бараварга камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика, 1 та хорижий ва 1 та Scopus базасидаги журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартмалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга бўлган талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларни Республика фан ва технология устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб

берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Остеоартроз касаллигининг этиологияси, патогенези, клиникаси, ташҳислаш ва даволаш тамойилларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида ишга оид адабиётлар таҳлили келтирилган. ОА нинг этиологияси ва патогенези ҳақида замонавий қарашлар, хавф омиллари, ирсий мойиллик, семизлик ва варикоз касаллиги билан кечув хусусиятлари, шунингдек ушбу патологиянинг ривожланиши ва кечишида ген полиморфизмларининг ўрни ва касалликнинг ривожланишидаги аҳамиятига оид маълумотлар берилган. Касалликни аниқлаш ва даволаш, ҳамда беморларда бўғимнинг функционал ҳолати кўрсаткичларини аниқлаш бўйича маълумотлар таҳлил этилган. Шарҳда Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ОА билан касалланган беморлар генеалогик жиҳатдан кам ўрганилганлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **«Остеоартроз билан оғриган беморлар клиник материали ва қўлланилган тадқиқот усулларининг умумий тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни, материал ва тадқиқот усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, умумий ва махсус текширув усулларида клиник, биокимёвий ва молекуляр-генетик усуллар, натижаларни статистик ҳисоблаш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг қўйилган вазифаларига мос равишда, СамДТИ 1-клиникаси маслаҳат поликлиникаси ва ревматология бўлимида даволанган ва назоратда бўлган ОА билан касалланган 220 нафар (биринчи гуруҳ 50 ёшгача бўлган беморлар 104 нафар, иккинчи гуруҳ 50 ёшдан катталар 116 нафар, назорат гуруҳи (нисбатан соғлом) 97 нафар) беморнинг текширув натижалари ишнинг асосини ташкил этди. Диагнозни тасдиқлаш учун American College of Rheumatology (ACR, 2010) мезонлари қўлланилди. Беморлар мурожаатига қараб тасодифий усулда танлаб олинган. Эрта ривожланган остеоартроз айнан 50 ёшгача ривожланишига қараб ташҳисланади ва шундан келиб чиқиб биринчи гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши 21-50 ёшда бўлиб, ўртача $37,8 \pm 0,8$ йилни, иккинчи гуруҳдаги беморларнинг ёши эса 51-76 ёшда бўлиб, ўртача $60,0 \pm 0,6$ йилни, учинчи гуруҳдаги нисбатан соғлом кишиларнинг ёши 23-55 ёшда бўлиб ўртача $40,2 \pm 5,3$ йилни ташкил қилди. Назорат гуруҳини остеоартроз патологияси кузатилмаган, асосий (биринчи ва иккинчи) гуруҳ беморлари билан ёши, жинси мос келадиган шартли соғлом шахслар ташкил қилган. Олинган натижалар таҳлили учун беморлар нозология, касаллик босқичи ва клиник кўрсаткичларига мувофиқ, жинси, ташҳис қўйилгандаги ёши, касалликнинг шакли, касалликнинг кечиши ва давомийлиги асосида гуруҳ ва кичик гуруҳларга бўлинган.

Тадқиқот усуллари клиник (оғриқни ВАШ, DN4 индекси, бўғим фаолиятини баҳолашни WOMAC, Лекен альгофункционал индекси ва эксперт мезонлари, юриш тезлигини аниқлаш асосида), биокимёвий, молекуляр-генетик, инструментал (рентген, УТТ ва МРТ) ва статистик усулларида иборат бўлган.

Беморларнинг ирсиятини аниқлашда Н.П. Бочковнинг (2004) клиник-генеалогик усулидан фойдаланилди. Ревматик касалликлар бўлган ирсий мойилликнинг хавф даражасини аниқлаш учун ЭВМ дастури ишлаб чиқилди. Дастур асосида ревматик касалликларни келиб чиқиш хавфи балларда аниқланди.

Овқатланиш хусусиятлари ва салбий овқат стереотипларини ўрганиш учун 16 хил овқат маҳсулотларини истеъмол қилишга оид саволларни ўз ичига олган анкета усулидан фойдаланилди. Ҳар бир овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдаги бузилишлар даражаси 5 та градация ва унга мос балларни ўз ичига олди. Овқат стереотиплари бузилиш даражаси умумий баллар йиғиндиси 1 баллдан 20 баллгача бўлганда енгил, 21-40 баллгача – ўртача, 41-60 баллгача - ифодаланган, 61-80 баллгача – сезиларли, 81-100 баллгача – оғир даражада баҳоланди.

ОА касаллиги учун аҳамиятли бўлган лаборатор (умумий қон таҳлили, қондаги кальций ва фосфор миқдори) ва инструментал (рентген, УТТ ва МРТ) текширувлари гуруҳларда ўтказилди.

ОА билан беморларда, шунингдек шартли соғлом шахсларда TGFb1(rs1800471 (915G>C, Arg25Pro)) ва VEGFA (G634C) (rs 2010963) генларининг полиморф вариантларини молекуляр – генетик текшируви учун материал сифатида веноз қон ишлатилди. Намуналар қон гемостази изланишлар учун мўлжалланган 5% К2-ЭДТА эритмаси бўлган 5 мл флакон пробиркаларда 20⁰С ҳароратда музлаткичда сақланди. ДНК/РНК экстракцияси барча биологик қон намуналардан Рибо-преп (Интерлабсервис, Россия) тўплами ёрдамида амалга оширилди. ДНК намуналаридан TGFb1 (rs1800471 номерли, 915G>C, Arg25Pro кодли) ва VEGFA (G634C) (rs 2010963) аллелларидан иборат бўлган генотип полиморфизмни аниқлаш учун ишлаб чиқарувчининг флюоресцент зондли аллел специфик праймерлари танланди.

ДНК намуналарини генотиплаш мақсадида 48 та ДНК намуналари реал вақтдаги полимераза занжир реакцияси (Real Time PCR) услуги тадқиқотлари олиб борилди. Бунинг учун Dtlite4 Real-Time PCR с 48-ячейкали автоматлаштирилган амплификатор оптималлаштирилган қуйидаги дастур ёрдамида амалга оширилди: даслабки денатурация 180 сек 94 °С да бир маротаба, асосий ҳар галги денатурация 20 сек 94 °С дан 20 сек 58 °С праймерлар жойлашувига ва 30 сек 61 °С да ҳақиқий полимераза занжир реакцияси бўлиб ўтиши учун 40 маротаба бу кўрсатилган босқичларда ўтказилди. Аллел специфик махсус JOE ва FAM детекторлар мос равишда ДНК намуналаридаги геннинг 1 ҳамда 2 аллелларига тўғри келади. Дастурдаги РОХ детектори реакцияни тўғри ёки нотўғри боришини баҳолашда ички назорат учун қўйилди.

Олинган натижалар вариацион статистика усулида баҳоланди. Бунда ўртача арифметик миқдор, унинг ўртача квадрат хатоси моментлар усулида аниқланди. Олинган натижаларнинг ишончлилик мезони (t), ишончлилик даражаси (P) ҳам таҳлилдан ўтказилди. Текширилган гуруҳларда генотипларни тарқалиш мослиги Шапиро-Уилк, мустақил ва жуфт t -тестлари, Уилкоксон ва χ -квадрат тестлари гуруҳлар ўртасида фарқларни аниқлаш учун дастлабки ўлчов сессиясидан бошлаб, узлуксиз, тартибли ва туркумли ўзгарувчиларда нормаллик, тақсимот ва нисбатни таҳлил қилиш учун ишлатилди. Барча маълумотлар таҳлили Windows операцион системасига мўлжалланган R studio дастурий таъминотининг 3.6.2 версияси билан, $p < 0.05$ аҳамиятлилик даражасини белгилаб амалга оширилди. Тадқиқотга киритилган барча беморлар орасида фақат 6 ойлик кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва гуруҳлар ўртасида фарқларни аниқлаш учун "даволаш-учун-мўлжалланган" (intent-to-treat) таҳлили ва унга асосланган χ -квадрат таҳлилидан фойдаланилди. Бундан ташқари, 95% ишончлилик даражаси оралиғидаги коэффицентлар нисбати (Odds ratio, OR), умумлаштирилган логистик регрессия ўтказилди. Гуруҳлар орасидаги статистик аҳамиятли фарқ $p < 0,05$ муҳимлилик белгиси билан кўрсатилди.

Диссертациянинг “**Эрта ривожланган остеоартроз касаллигининг клиник кўринишлари ва кечиш хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида хавф омиллари (преморбид фон патологик ирсият, озиқ-овқат стеритотиплари) ва коморбид ҳолатлари (семизлик, болдир веналари варикоз касаллиги) нинг ОА касаллигининг ривожланишидаги ва клиник кечувидаги аҳамиятини ўрганиш бўйича хусусий текширув кўрсаткичлари, (1-жадвалга қаранг) бўғим фаолияти баҳолаш мезонлари ва лаборатор-инструментал текширув натижалари таҳлили келтирилган.

1-жадвал

ОА сабабларининг омилли таҳлил кўрсаткичлари (%)

	Омиллар	1-гуруҳда	2-гуруҳда
1.	Метаболик касалликлар патологик ирсийланиши (генеологик карта асосида)	29,1%	22,7%
1.1	Семизлик касаллиги	13,1%	13,1%
1.2	Остеоартроз касаллиги	11,5%	7,3%
1.3	Варикоз касаллиги	8,9%	7,1%
1.4	Қандли диабет касаллиги	3,5%	2,2%
1.5	Подагра касаллиги	2,8%	1,6%
2.	Наслий хавф даражаси	46,4%	45,0%
2.1.	Енгил даража	16,3%	32,8%
2.2.	Ўрта оғир даража	36,5%	34,5%
2.3.	Оғир даража	45,3%	18,1%
3.	Озиқ-овқат стереотипларни бузилиши	48,3%*	32,9%*
3.1.	Туз ва тузламалардан ортикча фойдаланиш	45,0%	35,0%
3.2.	Саримсоқ, пиёз, турли зираворлар ва аччиқ	34,6%	22,9%

	зираворларни ортиқча истеъмол қилиш		
3.3.	Газланган ичимликларни ортиқча истеъмол қилиш	28,4%	11,6%
3.4.	Балиқ, жигар ва товукни кам истеъмол қилиш	20,0%	15,0%
3.5.	Ёғда пиширилган, қовурилган овқатларни ортиқча истеъмол қилиш	23,8%	10,0%
3.6.	Сут, творог ва сут маҳсулотларини кам истеъмол қилиш	15,3%	11,0%
3.7.	Шоколад ва қаҳвани тез-тез истеъмол қилиш	14,0%	11,0%
3.8.	Кўкат, сабзавот ва меваларни кам истеъмол қилиш	8,5%	14,0%
3.9.	Шакар, ширинликлар ва қандолат маҳсулотларини ортиқча истеъмол қилиш	11,2%	7,6%
4.	Аёллардаги гормонал ўзгаришлар	64,9%*	36,7%*
5.	Бўғимдаги патологик сабаблар	51,9%**	29,3%**

Изох: *- гуруҳлар орасидаги фарқ (*- $P < 0,05$; **- $P < 0,001$)

ОА касаллигининг хавф омилларидан семизлик (1,6 марта), ОА (2,4 марта), оёқ веналарининг варикоз касаллиги (1,5 марта) пробандларнинг аёл қариндошлари, яъни оналари, оналарининг оналари ва оталарининг оналарида кўп учради. Қандли диабет касаллиги ҳам беморларнинг аёллар қариндошларида (9,9%) эркак қариндошларга (7,9%) нисбатан 1,3 марта кўпроқ доминантлик қилди. Подагра касаллиги эса аёл қариндошларда учрамади ва шунинг учун эркак қариндошларда ушбу касаллик ОА касаллиги учун мутлоқ доминант (14,7 марта) хавф омили ҳисобланди.

Беморлар шажарасида ОА касаллигига бўлган ирсий омил таъсири 25,0% ҳолатда енгил (1-2 нафар бемор мавжудлиги), 38,2% ҳолатда ўртача (3-4 нафар бемор мавжудлиги) ва 28,3% ҳолатда оғир (бемор ва вафот этганлар мавжудлиги) даражада ифодаланди.

Озиқ-овқат стереотиплари анкета орқали ўрганилганда туз ва тузланган маҳсулотлардан ортиқча фойдаланиш 80,0% беморда, юқори аллергия хусусиятли озиқ-овқатлар турли зираворлар ва аччиқ қалампир истеъмол қилиш 57,5% беморда аниқланди. 40% беморда газланган ичимликларни тез-тез истеъмол қилиш 25,0% беморда шоколад ва қаҳвалар, 18,8% беморда - шакар, ширинликлар ва қандолатчилик маҳсулотларини тез-тез истеъмол қилиниши қайд этилди. 33,8% беморда ҳафта давомида етти ёки ундан ортиқ марта думба ёғи, пиширилган ёғли ёки қовурилган озиқ-овқат истеъмол қилиниши хос бўлди. Мева ва сабзавотларнинг кўплиги ва хилма-хиллигига қарамасдан 22,5% ва 18,8% бемор уларни ҳафтасига фақат 1 марта (кам миқдор) қабул қилган.

Умуман, юқоридаги 16 турдаги маҳсулотларининг истеъмолига кўра 27,5% ҳолда енгил, 53,8% ҳолда эса ўртача даражадаги овқатланиш бузилишлари хос бўлди.

ОА касаллигида хомиладорлик, жинсга боғлиқлик, гормонал ўзгаришлар, кўп миқдордаги абортлар ва тўлиқ бўлмаган жинсий ҳаёт

умумий беморлардан 81 (36,8%) нафар ҳолатда кузатилади. Ушбу омиллар ОА билан касалланган барча аёллардан 49,4% аёлларда қайд этилди.

Тадқиқотларимизда иккиламчи ОА сабабларидан тизза бўғимининг катта ва кичик травмалари 9,1%, ўтказилган бўғим яллиғланишлари (реактив артрит) 25,0%, бўғимда ўтказилган операциялар 5,9% беморларда аниқланди. Бўғим патологияси 50 ёшгача бўлган беморларда 50 ёшдан катта беморларда нисбатан 1,6 баравар кўп аниқланди. Ушбу омиллардан оғир меҳнат билан шуғулланиш, касбий зўриқиш эркакларда кўп учраган бўлса, қолган бошқа омилларнинг аёллар орасида учраши қайд этилди.

ОА касаллигини ривожланишининг асосий омиллари - ирсий мойиллик, озиқ стереотипларидаги бузилишлари, коморбид - семизлик ва варикозларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси омилли таҳлили уларнинг анча юқори даражада боғлиқлик корреляциясига эга эканлигини кўрсатди ($r=0,72$ ва $r=0,50$).

ОА касаллигида бўғимдаги оғриқ ва бўғимнинг функционал ҳолатини баҳолашда ВАШ, DN4, WOMAC, Лекен индекслари, юриш тезлигини аниқлаш ва эксперт мезонларидан фойдаланилди.

ВАШ шкаласи бўйича кўрсаткичлар гуруҳларда таҳлил қилинганда кучсиз ифодаланган оғриқ 50 ёшгача бўлган беморларнинг 43 (41,3%) нафарида аниқланган бўлса, 50 ёшдан катталарда кучсиз интенсивликдаги оғриқ кузатилмади. Асосий гуруҳда ўртача (43,3%) ва кучли (15,4%) ифодаланган оғриқ назорат гуруҳидаги ўртача (52,6%) ва кучли (47,4%) оғриққа нисбатан 1,4 ва 3,4 баравар кам ифодаланганлиги аниқланди.

WOMAC индексининг натижаларига кўра умумий беморларда оғриқ синдромининг ривожланганлиги (5 савол) ўртача $6,5\pm 0,5$ см, қарахтлик (2 савол) - $3,5\pm 0,3$ см, функционал қобилиятнинг чекланиш даражаси (17 савол) - $7,5\pm 0,6$ см.ни ташкил этди. Гуруҳлар бўйича таҳлил қилинганида оғриқ синдроми, қарахтлик, функционал қобилиятнинг чекланиши асосий гуруҳдаги беморларда $4,5\pm 0,2$; $1,5\pm 0,3$; $6,5\pm 0,05$ см, назорат гуруҳидаги беморларда эса бу кўрсаткичлар $8,5\pm 0,6$; $5,5\pm 0,2$; $8,5\pm 0,4$ см бўлиб, асосий гуруҳга нисбатан 1,9; 3,7; 1,3 баравар юқори натижаларни кўрсатди.

Лекен индекси натижаларига кўра умумий беморлардан енгил ОА (1-4 балл) аниқланган беморлар 24 (12,0%) нафарни, ўртача оғир (5-7 балл) ОА беморлар 55 (27,5%) нафарни, оғир (8-10 балл) ОА аниқланган беморлар 64 (32,0%) нафарни, жуда оғир (11-13 балл) ОА аниқланган беморлар 47 (23,5%) нафарни ва ўта оғир (14 балл) ОА аниқланган беморлар 10 (5,0%) нафарни ташкил этди. Лекен индекси кўрсаткичлар гуруҳларда таҳлил қилинганда асосий гуруҳда ўта оғир кўрсаткичлар, назорат гуруҳида енгил даражали кўрсаткичлар кузатилмади.

Текширувимиздаги курсаткичлар натижасида 63,7% беморлар ҳаракат фаолиятида оқсоқланиш ва бўғим фаолиятида чекланиш йўқлиги аниқланди. 50 ёшгача бўлган беморлар гуруҳида бу кўрсаткич 38,2% нафарни ташкил этган булса, 50 ёшдан катта ёшдаги беморлар гуруҳида 2,3 баравар кўп беморда ҳарактерли бўлди.

ОА кузатилган беморларда нормага нисбатан 1,2; 1,3; 1,5; 1,7 баравар юриш тезлигини пасайишига олиб келганлигини кўрсатди. Юриш тезлигини аниқлаш беморларни тинч ҳолатида ўтказилди. 50 ёшгача бўлган беморлар гуруҳига нисбатан, 50 ёшдан катта беморларда юриш тезлигининг пасайиши характерли бўлди.

Биринчи гуруҳдаги беморларнинг 11 (10,6%) нафари DN4 сўровномасидаги белгиларни кузатилмаслигини белгилаган ва курсаткич 0 балл бўлганлиги учун ҳисобга киритилмади. 4 балл ва ундан юқори баллдаги беморлар I гуруҳда 2,9% нафарни, II гуруҳда 27,6% нафарни ташкил қилиб биринчи гуруҳга нисбатан 9,5 баравар кўп учради. ОА касаллиги ёш утган сари нейропатик оғриқларнинг ҳам кўшилиши сабабли ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши аниқланди.

Текширувдаги беморларда лаборатор ва инструментал текширув усуллари натижалари таҳлил қилинганда, биринчи гуруҳга нисбатан иккинчи гуруҳда касалликнинг кучли ривожланганлиги ва асоратларнинг кўплиги билан характерланди. УТТ текшируви рентген текширувига нисбатан эрта ОА диагностикасида аҳамиятлилиги кузатилди.

Диссертациянинг «Остеоартроз ривожланишини эрта аниқлаш ва уларнинг оқибатларини белгилашда генетик кўрсаткичларнинг ўрни ва аҳамияти» деб номланган тўртинчи бобида генетик тадқиқотнинг натижалари кўрсатилган.

ОА билан хасталанган беморларда (n=100, 68 нафар аёл, 68,0%; 32 нафар эркак, 32,0%) ва нисбатан соғлом кишилар ташкил қилган назорат гуруҳида (n=97, 70 нафар аёл, 72,2%; 27 нафар эркак, 27,8%) юқорида айтиб ўтилган генларнинг полиморф вариантларини аниқлашда уларнинг нохуш генотип ва минор аллелларни тақсимланишидаги генетик хусусиятлари аниқланди.

Беморларнинг ёши 23 ёшдан 55 ёшгача бўлиб, ўртача $40,2 \pm 5,3$ йилни ташкил этди. 1 асосий гуруҳда 100 нафар ОА билан беморлар шулардан, 1.1-гуруҳ гонартроз (ГО) билан 60 нафар бемор, 1.2-гуруҳ ГО ва остеохондроз (ОХ) билан 19 нафар бемор, 1.3-гуруҳ ГО ва коксартроз (КО) билан 21 нафар бемор, 2-гуруҳда назорат гуруҳида 97 нафар нисбатан соғлом кишидан иборат бўлди (2-жадвал).

TGFb1 ген полиморфизмининг аллелларининг учраш частотаси Arg (G) аллели умумий беморларда 75,0%, 1.1-гуруҳда 76,7%, 1.2-гуруҳда 78,9%, 1.3-гуруҳда 78,6%, назорат гуруҳида 88,7%, Pro (C) аллели умумий беморларда 25,0%, 1.1-гуруҳда 23,3%, 1.2-гуруҳда 21,1%, 1.3-гуруҳда 21,4%, назорат гуруҳида 11,3% ни ташкил этди. Назорат гуруҳига нисбатан, ГО билан оғриган 1.1-гуруҳ беморларида TGFb1 915G>C, Arg25Pro полиморф гени C аллелини ташиш улуши 2,1 ($\chi^2=6.8$; $p=0.0012$; OR=2,1; 95%CI:1.91-4.95) ГО ва ОХ бўлган 1.2-гуруҳ ($\chi^2=5.9$; $p=0.0024$; OR=1,9; 95%CI:1.10-5.40) ҳамда ГО ва КО бўлган 1.3-гуруҳ ($\chi^2=5.8$; $p=0.0012$; OR=1,9; 95%CI:1.51-5.67) беморларида 1,9 баравар юқори бўлганлиги аниқланди.

**Остеоартроз кузатилган гуруҳлар ва назорат гуруҳларида TGFb1
915G>C, Arg25Pro ген полиморфизмининг аллеллари ва
генотипларининг учраш частотаси**

№	Группа	n	Аллеллар частотаси				Генотипларнинг учраш частотаси					
			Arg		Pro		G/ G		G/C		C/C	
			n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1.	Асосий гуруҳ n=100	200	150	75,0	50	25,0	57	57,0	36	36,0	7	7,0
1.1	ГО n=60	120	92	76,7	28	23,3*	36	60,0	20	33,3	4	6,7*
1.2	ГО+ОХ n=19	38	30	78,9	8	21,1**	12	63,1	6	31,6	1	5,3**
1.3	ГО+КО n=21	42	33	78,6	9	21,4**	9	42,9	10	47,6	2	9,5***
2.	Назорат гуруҳи n= 97	194	171	88.1	23	11.9	75	77,3	21	21.6	1	1.0

Изох: гуруҳлар орасидаги фарк * p<0.05, ** p<0.001, *** p<0.001

Генотиплардан гомозиготали генотип гуруҳларда 57,0%, 60,0%, 63,2%, 42,9%, 77,3%, гетерозиготали генотип гуруҳларда 36,0%, 33,3%, 31,6%, 47,6%, 21,6%, мутант генотип гуруҳларда 7,0%, 6,7%, 5,3%, 9,5%, 1,0% (назорат гуруҳига нисбатан $\chi^2=6.0$; p=0.0014; OR=2,68; 95%CI:1.2-5.45, $\chi^2=5.0$; p=0.003; OR=2.12; 95%CI:1.2-6.45, $\chi^2=8.85$; p=0.03; OR=3.8; 95%CI:1.04-5.65) ни ташкил этди.

Шундай қилиб, олинган натижалар TGFb1 915G>C, Arg25Pro (rs 1800471) генининг ОА ривожланишида ва ушбу касалликда яллиғланишга қарши жараёнларида асосий рол ўйнашидан далолат беради.

VEGFA (G634C) (rs 2010963) гени полиморфизми хусусиятларини ўрганишда ОА билан хасталанган беморларда G аллелини назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли фарқ борлиги аниқланган.

VEGFA (G634C) генининг G аллели беморларда 58,0%, кичик гуруҳлар бўйича 60,8%, 47,4%, 59,5% назорат гуруҳида 86,1%, C аллели беморларда 42,0%, кичик гуруҳларда 39,2%, 52,6%, 40,5% ва назорат гуруҳида 13,9% ни ташкил этди. Бунда биринчи (ГО) гуруҳда C аллелининг учраши 39,2% ($\chi^2=13.14$; p=0.0003; OR=2.98; 95%CI:1.51-5.67)ни ташкил қилган бўлса, назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткич 13,9% ни ташкил қилди. Шу билан бирга ОА билан хасталанган беморларнинг 1.2 ва 1.3 гуруҳларида ҳам ухшаш ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, 1.2-гуруҳда назорат гуруҳи билан

таққосланганда нохуш С аллелнинг даражаси 4,2 баравар ($\chi^2=10.57$; $p=0.0012$; $OR=4.23$; $95\%CI:1.51-5.67$), 1.3-гурухда эса 3,3 баравар ($\chi^2=8.85$; $p=0.0003$; $OR=3.3$; $95\%CI 1.401-5.657$) юқорилиги аниқланди. Аниқланган аҳамиятли фарқлар VEGFA (rs2010963) гени С аллелнинг ОА ривожланиш хавфи билан боғлиқлигини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал

Остеоартроз кузатилган гуруҳлар ва назорат гуруҳларида VEGFA (G634C) ген полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг учраш частотаси

№	Группа	n	Аллеллар частотаси				Генотипларнинг учраш частотаси					
			G		C		G / G		G / C		C / C	
			n	%	n	%	n	%	n	%	N	%
1.	Асосий гуруҳ n=100	200	116	58,0	84	42,0	34	34,0	48	48,0	18	18,0
1.1	ГО n=60	120	73	60,8	47	39,2*	22	36,7	29	48,3	9	15,0*
1.2	ГО+ОХ n=19	38	18	47,4	20	52,6***	4	21,1	10	52,6	5	26,3***
1.3	ГО+КО n=21	42	25	59,5	17	40,5**	8	38,1	9	42,9	4	19,0**
2.	Назорат гуруҳи n= 97	194	167	86.1	27	13.9	73	74,2	23	23.7	2	2.1

Изох: гуруҳлар орасидаги фарқ * $p<0.05$, ** $p<0.001$, *** $p<0.001$

Гетерозиготали G/C ва мутант C/C генотиплар тутиш улуши назорат гуруҳига нисбатан 4,0, 10,5 ва 5,68 мартаба кўпроқ ошганлигини кўрсатди (48,3%, 48,3% ва 52,6% қарши 23,7% , 15,0%, 26,3% ва 19,0% қарши 2,1%. Кўрсатилган хусусиятлар билан бир қаторда VEGFA (rs2010963) ген полиморфизми генотипларининг учраш даражасини тақсимлаш бўйича ҳам ўзгаришлар кузатилди. 1.1, 1.2 ва 1.3-гурухларида ҳам генотипларнинг учала вариантлари, шу жумладан ноёб мутант C/C генотиби ташувчанлиги ҳам қайд этилди. 1.1 - гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан нохуш гетерозиготали G/C генотиби 2,7 баравар ($\chi^2=12.8$; $p=0.0003$; $OR=2.7$; $95\%CI:1.91-10.3$), 1.2 - гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан нохуш гетерозиготали G/C генотиби 2,8 баравар ($\chi^2=12.8$; $p=0.0003$; $OR=2,8$; $95\%CI:1.91-10.3$), 1.3 – гуруҳда эса 2,75 баравар ($\chi^2=6.82$; $p=0.009$; $OR=2.75$; $95\%CI:1.31-7.91$) ва мутант C/C генотиби 4,0, 10,5 ва 5,68 баравар (1.1 – гуруҳ учун: $\chi^2=1.41$; $p=0.23$; $OR=4,0$; $95\%CI:0.42-24.73$, 1.2 – гуруҳ учун: $\chi^2=1.41$; $p=0.23$; $OR=10.5$; $95\%CI:0.42-$

